

Истеъдодли шоир Рауф Парфи 1943 йилда Тошкент вилоятининг Шўралисой кишлогига дунёга келди. 1960—1965 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил кўрди. Жумхурият кино кўмитасида, Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлади.

Гарчи унинг илк шеърлари 50-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган бўлса ҳам у 60-йилларнинг ўрталарига келиб шоир сифатида танилди. Шундан сўнг унинг «Карвон йўли» (1968), «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Кайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1981) каби ўнлаб сара шеърят тўпламлари босилиб чиқди. «Сукунат» (1991), «Она Туркистон» (1992), «Туркистон рухи» (1993) ҳамда икки жилдли «Сайланма» асарлари (1993) чоп этилди. Агар унинг 1-жилди назм бўлса, 2-жилди насрий ва таржима асарларини ташкил этади. Сўнгги йилларда унинг «Шарк юлдузи», «Ёшлик» каби ойномаларда ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Ерк» рўзномаларида янги — мустақиллик даври муаммоларини хикоя килувчи ўнлаб ажойиб шеърлари ўз ўқувчиси калбини янгидан забт этолди. У мохир таржимон сифатида Байроннинг «Манфред», Нозим Хикматиинг «Инсон манзаралари», Карло Каладзениинг «Денгиз хаёли» каби асарларини ўз она тилига ўгирди.

У шоир, таржимонгина эмас, носир, мақоланавис сифатида ҳам ўз ўқувчисига яқиндир.

Рауф Парфи ўзининг «Сабр дарахти» (1986) шеърый тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хамид Олимжон номидаги совринига мушарраф бўлган. 1992 йилда халқаро Махмуд Кошгарий совринига ҳам эга бўлди.